

ТИЛНИНГ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ҚИЛИШ МОҲИЯТИ ҲАҚИДА

Акмал Гуламжанович ЮЛДАШЕВ

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

ОБ ИНТЕРПРЕТАЦИОННОЙ СУЩНОСТИ ЯЗЫКА

Акмал Гуламжанович ЮЛДАШЕВ

Доктор философии по филологическим наукам (PhD), доцент

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

ON THE INTERPRETATIONAL ESSENCE OF THE LANGUAGE

Akmal Gulamjanovich YULDASHEV

Doctor of philosophy in philology (PhD), Docent

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan akmal1909@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 81-119

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Юлдашев А.Г. Тилнинг интерпретация қилиш моҳияти ҳақида // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 6 (41). — Б. 7-20.

<https://doi.org/10.36078/1643267667>

Received: October 08, 2021

Accepted: December 17, 2021

Published: December 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Ушбу мақолада тилнинг интерпретация қилиш функцияси хусусида сўз боради. Мазкур баёнотнинг асосий далили шундан иборатки, интерпретацияга лисоний концептуаллаштириш ҳамда категориялаштириш хос бўлиб, лисоний категория тизимида намоён бўлади. Тилнинг антропоцентриқ моҳияти сифатида бирламчи — олам интерпретацияси ҳамда иккиламчи — олам ҳақидаги билим сифатида таҳлил қилинди. Олам ҳақидаги билимларни интерпретация қилишнинг усули, уларни ифодаловчи турли концептларнинг мавжудлиги, олам ҳақидаги билимларнинг хилма-хилликда намоён бўлишини таъминлайди. Шунингдек, лисоний интерпретациянинг жамоавий, индивидуал, статик ва динамик жihatларининг когнитив фаолияти лисоний фаолиятга воситачилик қиладиган фаолият сифатида кўриб чиқиш лозим бўлиб, оламнинг лисоний интерпретацияси турли лисоний ходисалар ва категорияларда, билим натижаси сифатида тақдим этилади. Бирламчи интерпретация оламнинг жамоавий билимдан ўрин олган бўлиб, инсон томонидан оламнинг жамоавий кўринишини ифодалайди. Иккиламчи интерпретация натижаси, аввал интерпретация қилинган объектлар ёки уларнинг индивидуал хусусиятларини субъектив тушунтиришни очиб беради. Иккиламчи концептуаллаштириш ва категориялаштириш билан боғлиқ бўлган олам ҳақидаги янги билимлар ҳисобланади.

Калит сўзлар: бирламчи интерпретация; иккиламчи интерпретация; когнитив модел; концептуаллаштириш; категориялаштириш.

Аннотация. В статье обсуждается интерпретационная функция языка. Ключевым аргументом в пользу этого утверждения является то, что интерпретация характерна для лингвистической концептуализации и категоризации и представлена в системе категорий языка. Теория двух лингвистических интерпретаций первичной — интерпретации мира — и вторичной —

интерпретация знания о мире — анализируется как представляющая антропоцентрическую природу языка. Метод интерпретации знаний о мироздании, наличие различных концепций, которые их представляют, гарантирует, что знания о мироздании проявляются в разнообразии. Познавательная деятельность коллективных, индивидуальных, статических и динамических аспектов лингвистической интерпретации также должна рассматриваться как деятельность, которая опосредует языковую деятельность, языковая интерпретация мира представлена как результат познания в различных языковых явлениях и категориях. Первичная интерпретация включена в коллективное знание о мире и представляет собой коллективное видение мира человеком. Результатом вторичной субъективной интерпретации являются новые знания о ранее интерпретируемых объектах или их индивидуальных свойствах, в том числе оценочного характера, которые непосредственно связаны с процессами вторичной концептуализации и вторичной категоризации.

Ключевые слова: первичная интерпретация; вторичная интерпретация; когнитивная модель; концептуализация; категоризация.

Abstract. This article discusses an interpretative function of language. The key argument for this statement is that interpretation is characteristic of linguistic conceptualization and categorization and is represented in the system of categories of language. The theory of two linguistic interpretations primary — interpretation of the world and secondary — interpretation of the knowledge of the world are analyzed as being represented anthropocentric nature of language. The method of interpreting knowledge about the universe, the existence of different concepts that represent them, ensures that knowledge about the universe is manifested in diversity. Cognitive activity of collective, individual, static and dynamic aspects of linguistic interpretation should also be considered as an activity that mediates linguistic activity, linguistic interpretation of the world is presented as a result of knowledge in different linguistic phenomena and categories. The primary interpretation is included in the collective knowledge of the world, representing the collective vision of the world by human. The result of secondary interpretation is new knowledge about previously interpreted objects or their individual properties, including evaluative ones, which are directly related to the processes of secondary conceptualization and secondary categorization.

Keywords: primary interpretation; secondary interpretation; cognitive model; conceptualization; categorization.

Кириш. Ҳозирда тилшунослик соҳасидаги тадқиқотлар нафақат тилнинг онтологик моҳиятига, балки оламни англаш ва тил ёрдамида оламни билиш жараёнларининг қай тарзда амалга ошишига эътиборни қаратмоқдалар. Оламни билиш ва мулоқот воситалари, турли хил билим тизимлари ва билиш шакллариининг ўзаро таъсирининг мураккаб, кўп омилли узоқ ва қисқа давом этадиган жараёнидир. Шу билан бирга, инсонга турли йўللار орқали келадиган барча маълумотларнинг алоқа предметиға айланиши учун унинг концептуал тизимида ментал ва лисоний шаклга эга бўлиши керак. Д. Деннетнинг фикрига кўра, мианинг вазифаси доимо инсон қабул қиладиган маълумотларни аниқлаштириш ҳамда интерпретация қилишдан иборат бўлади (26, 111).

Тилнинг лисоний интерпретация қилиш табиати оламнинг лисоний тасвирида, унинг тузилиши ва инсонларнинг атрофдаги олам билан ўзаро муносабатларининг лисоний тажрибасини узатиш хусусиятлари ва билим фаолияти жараёнида у ҳақида билимларни ривожлантиришда тўлиқ акс этади. Ушбу ўзига хослик оламнинг лисоний тасвир элементлари ва уларнинг ўзаро алоқалари олам объектлари ва уларни тузилишининг бевосита акси эмаслигида намоён бўлади. Бу оламнинг ўзи эмас, балки инсон объектлар ва ҳодисаларни, оламнинг тузилишини қандай кўриши ва тушуниши, ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини таъкидлаб ўтиши, инсон ўз онгида атрофдаги оламни қандай куришига боғлиқ. Олинган билим предмет ва ҳодисаларни акс эттиришда алоҳида лисоний воситаларни танлашга асосланган ҳолда яратилган турли маъноларни таъминлайдиган оламнинг лисоний тасвири орасидаги асосий фарқ ҳисобланади. Бу фарқ тилнинг антропоцентрик хусусиятига боғлиқ ва унинг интерпретация қилиш функциясини амалга ошириш натижасидир. Бундан ташқари, айтиш мумкинки, оламнинг лисоний тасвири интерпретацияси ва олам ҳақидаги билимларни инсон онгида намоён қилишдир.

Тил ёрдамида амалга ошириладиган когнитив жараёнларда инсоннинг фаол роли лисоний маъно ва лисоний шаклларни танлашда намоён бўлади, бу эса лисоний бирликлар ва категорияларнинг концептуаллаштириш ва категориялаштириш жараёнларига сезиларли таъсирини назарда тутди. Бундан ташқари, тил билишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, шахснинг билиш истагини рўёбга чиқарадиган изоҳловчи омил саналади. Шу асосда, тил маълумотларни сақлаш ва узатиш билан бир қаторда, оламни ва олам ҳақидаги билимларни интерпретация қилиш функциясини бажаради. Инсон фаолиятини интерпретация қилиш натижаси сифатида (21) тилнинг олам ҳақидаги билимларни намоёиш этиш билан боғлиқ бўлган функцияси сифатида интерпретация қилиш ҳақида гапиришга асос бўлиб, унинг ўзига хослиги ва асосий когнитив жараёнлар билан боғлиқлигини батафсил ўрганишни талаб қилади.

Асосий қисм. Турли тилда сўзлашувчи миллат вакиллариининг борлиқни идрок этишининг ўзига хос хусусияти ва уларни вербаллаштириш тилнинг интерпретация қилиш функцияси билан бевосита боғлиқдир. Интерпретация табиий равишда, тил воситачилигидаги барча билим жараёнларига ҳамроҳлик қилади. Олам ҳақидаги билимларни интерпретация қилишнинг усули, уларни ифодаловчи турли концептлар ва лисоний маъноларнинг мавжудлиги, олам ҳақидаги билимларнинг хилма-хилликда намоён бўлишини етказишдир. Шунингдек, лисоний интерпретациянинг жамоавий, индивидуал, статик ва динамик жиҳатларининг когнитив фаолияти лисоний фаолиятга воситачилик қиладиган фаолият сифатида кўриб чиқиш лозим бўлиб, оламнинг лисоний интерпретацияси турли лисоний ҳодисалар ва категорияларда, билим натижаси сифатида тақдим этилади (8, 6).

Б. А. Серебренников таъкидлашича, тил инсон учун фақат ижодкор сифатида эмас, балки билиш воситаси сифатида ҳам ишлайди. Тил инсонга объектив оламни объективлаштиришга, фикр, қарашларни шакллантириш ва ифодалашга ёрдам беради, шунингдек, тил инсоннинг ташқи олам объектлари ва ҳодисаларига, шунингдек, ўзига ва атрофидаги инсонларга бўлган муносабатини тартибга солиш

усулидир. Шу сабабли, “тил акс эттиради” каби фикр тўғри бўлмай (24, 109) жонли мавждудот сифатида инсон акс эттиради, тил ифодалайди.

В.А. Звезинцев фикрича, тил билимларни дискретлаштириш, уларни объективлаштириш ва ниҳоят интерпретация қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади (16, 74). Объект ҳақидаги билимлар нисбий бўлиб, фақат унинг айрим томонлари тилда акс этади, чунки объект фақат унинг акс эттирилган қисмида мавжуд. Номаълум қисмида у инсон онгида мавжуд эмас, гарчи у объектив мавжуд бўлса ҳам (12, 36). Бундан ташқари, объект ҳақида мутлақ билим деярли имконсиздир, чунки объект ўз хусусиятига кўра чексиздир.

Лисоний интерпретациянинг когнитив жиҳатида эътиборини қаратган Н. Н. Болдиревнинг фикрича, лисоний интерпретация идрок фаоллиги сифатида ўзаро боғлиқ *статик* ва *динамик* белгиси билан характерланади. Статик аспект ўз натижалари билан биргаликда когнитив тузилмалар, яъни оламнинг лисоний концептуаллашуви ва категориялаштирилиши натижаси — концепт ва категориялар тизими сифатида тавсифланади. Лисоний идрок фаоллигининг динамик аспекти эса айнан концептуаллашув ва категориялашув жараёнида иштирок этувчи лисоний шакллар орқали намоён бўлади (8, 7).

Интерпретация — субъектнинг барча хусусиятлари ва атрибутларига (психологик, биологик, ижтимоий, физиологик, лисоний ва б.) таянадиган мураккаб когнитив жараён ҳисобланиб, интерпретация қилиш қобилияти субъектнинг индивидуал хусусиятларига, субъектга тегишли бўлган тил бирликлари ва структуравий инверторига боғлиқ бўлади. Инсонни бошқа тирик мавждудотлардан ажратишда интерпретация, албатта, тилдаги ижодкорликни ва билимларни шакллантириш ва қайта ишлаш жараёнида селективликни назарда тутати (20, 450–451).

Лисоний интерпретацияни ўрганиш оламни концептуаллаштириш ва категорияларга ажратиш жараёнларида жамоавий ва индивидуал билимларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш ва олинган билимларнинг лисоний ифодаси билан боғлиқ. Жамоавий билимлар — жамият томонидан тўпланган ва қоида тариқасида, тилда мустаҳкамланган билимлардир. Индивидуал билимлар — ҳажм, мазмун ва интерпретация жиҳатидан индивидуал тарзда акс эттирилган воқеаланадиган билимдир.

Когнитив жараёнларнинг хилма-хиллиги, уларнинг асосан индивидуал намоён бўлиш характери интерпретация жараёнларидаги функционал фарқларни, унинг катта ва кичик турларини ажратиш кўрсатиш имкониятларини белгилайди. Лисоний интерпретациянинг турлари, ўз навбатида, тилнинг ўзига хос табиати, унинг икки босқичли денотация қилиш қобилияти, шунингдек, умумий ва ўзига хос хусусиятларини, жамоавий ва индивидуал, объектив ва субъектив бирлаштириш қобилияти билан белгиланади. Шунга кўра, инсон оламни интерпретация қилишда, бир томондан, тилда ифодаланган жамоавий билим схемаларига, тилдан фойдаланиш тажрибасига таянса, иккинчи томондан, интерпретация инсоннинг концептуал тизимига боғлиқ бўлиб, маъноларни реал ҳаёт ва муайян шахснинг мотивлари билан боғлайди, бу ҳақиқатни А. Н. Леонтьев “шахсий маъно” деб атайди (19).

Шу нуқтаи назардан, лисоний интерпретацияни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода, бу тил воситасида ва жамоавий янги билимларни олишга қаратилган ҳар қандай ментал

операция. Тор маънода, асосан индивидуал шахснинг когнитив лисоний фаолияти натижасида интерпретация объектини субъектив тушунишни очиб беради. Айнан шу маънода интерпретация тилнинг асосий вазифаларидан бири сифатида қаралади (27, 7). Шунингдек, шахснинг лисоний когнитив фаолият бўлиб, ҳосиласида инсоннинг интерпретация қилинаётган объектни субъектив тушунишни очиб беради.

Н. Н. Болдыревнинг сўзларига кўра, инсоннинг лисоний фаолияти борлиқни интерпретация қилиш жараёни билан боғлиқ ва лисоний интерпретация когнитив фаолиятнинг бир тури сифатида намоён бўлади (8, 5), бу инсоннинг оламда ўзини англаши, тушунтириш жараёни ва натижасидир деган хулосага келади.

Дональд Девидсоннинг сўзларига кўра, интерпретация лисоний мулоқотнинг анъанавий ядросидир. “Конвенция тилнинг мавжудлиги учун шарт эмас. ... Аслида, тил — конвенциялар ривожланишининг шартидир” (15, 229–233).

Бу ўринда конвенция терминига ойдинлик киритиб ўтиш лозим, бирор бир схема ёки модел ёрдамида оламни интерпретация қилиш учун шу модел ёки схемадаги фойдаланувчи барча субъектлар ўзлари яшаб турган борлиқдаги объектларни интерпретация қилиш учун бир хил коддан фойдаланиши керак. Ушбу код тилда конвенционализм деб аталади. Тилда сўзлашувчи инсонлар орасида ёзилмаган, имзоланмаган, тасдиқланмаган конвенция мавжуд-ки, унга кўра тилда сўзлашувчилар борлиқнинг лисоний тасвири яратишида бир хил код — тизимдан фойдаланиш ҳақида келишиб оладилар. Мазкур келишув ҳеч қерда қайд этилмаган бўлса-да, ҳамма ерда унга амал қилинади.

Хусусан, Е. С. Кубрякова таъбири билан айтганда “тайёр” фикрлар вербаллашмасдан аввал мавжуд бўлмайдилар, айнан уларнинг “нутқ яратиш жараёнида босқичма-босқич лисоний дизайни” уларга тўлиқликни беради (18, 14).

Тилнинг антропоцентрик табиати ҳақида сўз борганда, инсон атрофдаги оламни визуал акс эттирмайдилар, балки тайёр когнитив схемаларда ва оламни лисоний идрок этиш тажрибасига таянган ҳолда онгида конструкциялайдилар. А. Вежбицанинг ёзишича, ҳар қандай билим оламни инсон томонидан интерпретацияси ҳисобланади (25). Таъкидлаш жоизки, интерпретация лисоний тасаввурларнинг хилма-хиллигида аниқ бўлади (13, 14, 17–29). “Лисоний интерпретация когнитив фаолият тури, бу оламда инсонни ва ўзини тушуниш ва тушунтириш жараёни ва натижаси сифатида намоён бўлади” (8, 5).

Е. С. Кубрякова нутқда акс этган объектив оламнинг субъектив қиёфаси ва оламнинг индивидуал тасвири, тил орқали аллақачон англашилган олам ҳақидаги жамоавий маълумотлар орқали қайтарилишини таъкидлайди (17, 10). Бу жамоавий билимлар когнитив тизимнинг борлиқдаги иштирокини ва унинг ривожланишини таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда, улар когнитив тизим вазифасида объектни идрок этишнинг перцептуал гипотезаси ёки олам тузилиши тўғрисида олдиндан белгиланган гипотеза пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун маълум йўналишда ҳаракат қилишга тайёрлик сифатида намоён бўлади (23, 27).

Интерпретацион концептлар — бу шахснинг индивидуал концептуал тизими доирасида олам ҳақидаги жамоавий билимларнинг интерпретацияси асосида шаклланган янги билим бирликларидир (9, 24).

Н. Н. Болдырев онг тузилишини очиб берувчи ва унинг шаклланишига таъсир қилувчи лисоний интерпретациянинг учта асосий моделларини ажратиб кўрсатади. 1. **Моддий олам интерпретациянинг лисоний моделлари** унинг хилма-хиллигини билдирувчи ментал модел, *қизил, яшил, кўк*. Ушбу моделлар орқали инсон олам тузилишини ва унинг таркибий қисмларини, объектлар ва ҳодисаларини ўзаро боғланишини парадигматик ва синтагматик алоқалар орқали ўзлаштиради *қизил — қон, яшил — дала, кўк — осмон*. 2. **Жамоавий интерпретациянинг лисоний моделлари** инсоннинг ижтимоий мақоми, ижтимоий хизмат номларини бирлаштирган касбий фаолият турлари тавсифи ҳақида маълумот беради. *Ректор, проректор, талаба, профессор* хизмат даражалари мавқе ва иерархияларини кўрсатувчи сўзлар ва уларга қуйидаги иерархик феълларни киритиш мумкин: *раҳбарлик қилмоқ, бошқармоқ, ўқимоқ, ўқитмоқ* каби. 3. **Олам ва жамият ҳақидаги билимлар интерпретацияси** учун тил моделлари грамматик тузилишнинг турли схемалари, объектлар ва ҳодисаларнинг иккиламчи концептуаллаштирилиши ва категориялаштирилиши, рейтинг шкалалари ва ҳисобини, турли шакл, йўналиш ёки ҳажмдаги стереотипларни, метафорик, метонимик, эвфемик мазмунни узатиш моделларини, метатил лисоний моделларини назарда тутди. Бу моделлар олам ҳақидаги билимларни таснифлаш ва оммага маълум бўлган билим даражасини янги билимлар билан бойитишни таъминлайди (10, 30–31), масалан: *ўрмон шифокори, айиқ, вирус* каби.

Шунингдек, таъкидлаш лозимки, иккиламчи билиш жараёни сифатида интерпретация ўз объекти сифатида объектив оламни эмас, балки олам ҳақидаги билимни, жамоавий онгда қандай намоён бўлишини танлайди (4, 85–86). Мисол учун инсон, маъноси кўчимга учраган тил бирликлар яратишда айнан оламни идрок этиш мобайнида эгаллаган билимлар эвазига амалга оширади.

Интерпретация — бу инсоннинг оламни ва ушбу оламдаги ўзини субъектив тушуниши ва интерпретация қилиш жараёни ва натижалари, бир томондан, олам ҳақидаги мавжуд умуминсоний тасаввурларга, бошқа томондан, ўзининг олам билан ўзаро муносабатдаги шахсий тажрибасига асосланган ҳолда оламни интерпретация қилиш ҳисобланади. Бу — олам тасвири ёки инсоннинг индивидуал онгига сингдирилган ўз оламидир (4, 87).

Интерпретация механизмлари ифода жиҳатидан индивидуалдир. Интерпретацион ёндашув инсон тажрибаси тузилмаларини тасвирлаш ва тушунтиришга асосланади. Бу тузилмалар интерпретациянинг субъектив жараёнлари сифатида қаралади — гўё бу маъно шахс томонидан оламдаги объектив мавжуд нарсалар ва ҳодисаларга қўшилганидек. Маданият субъектив интерпретацияларнинг бирлаштирилган тўплами сифатида интерпретация қилинади, унга кўра маданият ва инсон ўртасида консенсус мавжуд. Интерпретация — бу когнитив жараён ва шу билан бирга, нутқ фаолияти ёки нутқ ҳаракатларини аниқлашнинг натижасидир. Интерпретациянинг бир вақтнинг ўзида ҳам натижа ва жараён бўлиши унинг жуда мураккаб муҳим фалсафий, мантикий категория эканлигини кўрсатади.

Айтиш жойизки, лисоний интерпретация когнитив фаолият натижасида оламни инсон томонидан тушуниш ва тушунтиришга қаратилган. Бу фаолият, бир томондан, жамоавий билимларга, иккинчи томондан, шахсга, шу жумладан, борлиқ билан ўзаро муносабат

тажрибасига асосланган. Бу борлиқ инсоннинг жамоавий-лисоний ёки индивидуал-лисоний онг проекциясидир (6, 7, 8).

Интерпретация қилиш воситалари ва мақсадлари билан фарқ қилувчи лисоний интерпретациянинг иккита асосий тури тўғрисида сўз юритилади. Н. Н. Болдырев олам ва билимнинг тилдаги интерпретациясини бирламчи ва иккиламчи интерпретацияга ажратади. Бирламчи интерпретация инсоннинг олам тузилишида фаол ва аниқ бир мақсаддаги ҳаракатини ва у билан бўлган ўзаро ҳаракат схемасини англатади. Бу жараёнда инсон оламни идрок этишда борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни маълум бир қолипга, яъни категорияларга жойлаштиради. Бу жараёнда тизимли мавзуй концептуал майдонларни шакллантиради (8, 8–9).

Бирламчи интерпретация инсоннинг оламни ўрганишда, у билан ўзаро муносабатини схемалаштиришда фаол, мақсадга мувофиқ иштирок этишини англатади. Бу тил ёрдамида билим бирликлари концептларни — концептуаллаштириш ва уларнинг умумий лисоний белги билан категорияларга бирлаштиришни — категориялаштиришни ўз ичига олади, яъни олам ва унинг объектлари ва ҳодисаларини бирламчи концептуаллаштириш ва бирламчи категориялаштириш жараёнларининг интерпретацион характерида намоён бўлади. Оламни бирламчи интерпретация қилишнинг натижаси — бу лисоний категориялар тизими шаклида тил воситасисиз билан амалга ошириладиган табиий концептуаллаштириш ёки табиий объектларни категориялаштириш тизими ҳисобланади. Лисоний интерпретациянинг ҳар икки тури бирламчи ва иккиламчи, баҳолашнинг маълум турларига ўхшашлиги билан умумий ва ўзига хос хусусиятга эга бўлиши мумкин. Умумий интерпретация гештальт характерида эга бўлиб, асосан концепция ва классификациялаштириш билан боғлиқ. Хусусий интерпретация муайян ўзига хос хусусиятлари субординацияси билан кўпроқ боғлиқдир.

Бирламчи интерпретация оламнинг жамоавий билимдан ўрин олган бўлиб, инсон томонидан жамият сифатида оламнинг жамоавий кўринишини ифодалайди. Шунинг учун уни шартли равишда индивидуал, субъектив интерпретациядан фарқли ўлароқ объектив интерпретация деб аташ мумкин. Жамоавий билимлар оламни идрок этиш учун жамоавий когнитив схемалар билимларни изоҳловчи асос вазифасини бажаради. Умуман олганда, оламнинг лисоний тасвири сингари, ўзига хос маъноларни шакллантириш жараёнларида маълум бир изоҳлаш функциясини бажаради, уларни аниқлаш соҳалари сифатида ҳаракат қилади. Уларнинг интерпретацион функцияси бир неча жиҳатларда амалга оширилади: 1) объект ва ҳодисаларни интерпретация қилишда, шунингдек, уларни маълум бир соҳада тутган ўрнига баҳо бериш, 2) объектлар ва ҳодисаларни улар орасидаги турли хил алоқаларни ўрнатиш концептуаллаштириш орқали изоҳлашда, 3) концептуал-тематик майдоннинг турли усулларида, репрезентация қилинишида. Бирламчи интерпретация, нарса ва ҳодисаларни горизонтал категориялашда, уларнинг хилма-хиллиги ва фарқлинишини намоёиш қилишда намоён бўлади: *от, ҳўтик, дарахт, гул, сариқ, яшил* ва бошқалар. Вертикал категориялаштириш жараёнида ажралиб турадиган юқори даражадаги категорияларга ҳосдир: *мушуксимонлар, ўсимлик, ҳаракат, ранг* ва бошқалар. Шунингдек, у оламни селектив интерпретация қилиш билан боғлиқ бўлган унинг ҳаёт шароитлари ва асосий фаолият турлари таъсири остида инсоннинг

маълум бир жамият вакили сифатида концептуал тизимини шакллантиришни ўз ичига олади. Бирламчи интерпретация онгда оламнинг ментал тасвирини тузиш, у билан ўзаро лисоний тажриба схемасини яратиш ҳамда тил ёрдамида билим бирликлари — концептларни ажратиш ва уларни умумий лисоний тавсифга эга бўлган категорияларга бирлаштириш (оламнинг бирламчи концептуаллаштирилиши ва бирламчи категориялаштиришнинг табиатини интерпретация қилиш).

Шунингдек, бирламчи интерпретация — бу инсоннинг оламни идрок этишда фаол, мақсадли иштироки, у билан мулоқот қилиш тажрибасини схемалаштириш. Бу тил ёрдамида билим бирликларини концептларга ажратишни ва уларни умумий лисоний белги билан категорияларга бирлаштиришни назарда тутган ҳолда унинг объект ва ҳодисаларини бирламчи концептуаллаштириш ва бирламчи категориялаштириш жараёнларининг интерпретацион табиатида намоён бўлади. Оламни бирламчи интерпретация қилишнинг натижаси — бу тилнинг бевосита иштироки билан амалга ошириладиган табиий категориялаш тизимлари бўлиб, улар лексик синфлар ва категориялар тизими шаклида амалга оширилади.

Иккиламчи интерпретация натижаси, аввал интерпретация қилинган объектлар ёки уларнинг индивидуал хусусиятларини субъектив тушуниришни очиб беради (3, 21), иккиламчи концептуаллаштириш ва категориялаштириш билан боғлиқ бўлган олам ҳақидаги янги билимлар ҳисобланади (1, 29). Иккиламчи интерпретациянинг объекти — олам, объект ва ҳодисалар категориялари ҳақидаги мавжуд ва аллақачон тилда ифодаланган жамоавий билимдир. Унинг натижаси — бу оламдаги объектлар ва ҳодисалар, шу жумладан, иккиламчи концептуаллаштириш ва иккиламчи категориялаштиришга ажратиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган янги билимдир (8, 8–9). Иккиламчи интерпретация индивидуал хусусиятга эга бўлиб, маълум бир кишининг индивидуал концептуал тизимидаги жамоавий билим ва жамоавий когнитив схемаларнинг интерпретацияси сифатида намоён бўлади. Шунга кўра, лисоний интерпретациянинг ушбу турини шартли равишда субъектив интерпретация деб қабул қилиш мумкин. У асосан модификациялашган категориялар тизимида ва турли даражадаги лисоний бирликлар ва категорияларнинг функционал ўзгариши, сўз яшаш моделлари, синтактик тузилмалар, тема-рематик қурилиш, инкор, эҳтимоллаш, экспрессивлик, тоналлик, аниқлик-ноаниқлик, далиллаш, ҳар хил баҳоловчи тушунчалар ва категориялар шулар жумласига киради. Бирламчи интерпретациянинг иккиламчи интерпретациядан фарқи шундаки, уларнинг интерпретация қилиш объекти, воситалари ва мақсадлари интерпретациянинг ҳар икки турида бир биридан фарқ қилади.

Интерпретациянинг когнитив схемаси асосан, ҳар хил категорияларни ташкил этишнинг ўхшашлиги ва хусусан, объектларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни категорияларга ажратиш, турли мавзу соҳалари ўртасида концептуал ва категориялараро маъно алоқадорлигини ўрнатишга имкон беради. Бу фарқларнинг типологияси бўйича, шакли, ҳажми, ташқи кўриниши, вазифалари, хулқ-атвори, қобилятлари билан фарқ қилади. Бу биринчи лексик категориядаги элементларни иккинчи предмет соҳасидаги объектларни белгилаш орқали уларни қиёсий ва баҳоловчи

интерпретация қилиш учун асос яратади (5, 14). Шундай қилиб, лексик категориянинг тузилиши маълум бир концептуал майдонни интерпретация қилишнинг когнитив схемаси вазифасини бажаради. Масалан: “ЖОНИВОР” концептуал майдонидан ўрин олган *қўчқор*, *ҳўкиз*, *буқа*, *сигир*, *капалак*, *айиқ*, *ғоз*, *курка*, *товуқ*, *оққуш*, *товус*, *тўтиқуш* ҳайвонот олами номларининг ташқи кўриниши, ҳаракати ва улар ҳақидаги билимларни иккиламчи интерпретация ҳосиласи сифатида *бақувват*, *қўпол*, *семиз*, *бесўнақай*, *махмадона* каби маънолар билан “ИНСОН” концептининг концептуал майдонидан ўрин олади.

Функционал даражада лексик категориянинг интерпретация қилиш потенциали олам ҳақидаги билимларнинг иккиламчи интерпретациясида намоён бўлади. Бу асосий маъно асосида шаклланган лексик бирликларни кўчма маънода қўллаш имконияти билан боғлиқ. Иккиламчи интерпретация мустақил категорияларни ташкил қилмайди, лекин уларнинг периферик элементлари сифатида бошқа баҳоловчи категорияларга киради. Масалан, *тулки* сўзи инсонни баҳолаш маъносида “инсон характери баҳолаш” категориясига киради, унинг асосий элементлари дастлаб баҳоловчи *айёр*, *ёлгончи*, *ўз ишига тишиқ* маънолари инобатга олинади. Шунга қўра, бу концептлар ва категориялар ўзларининг функционал йўналишлари бўйича иккиламчи интерпретациянинг когнитив схемалари ҳисобланади. Масалан, инкор категориясида олам ҳақидаги билимлар қуйидагича изоҳланади: объектлар, ҳодисалар, белгиларнинг борлиги ёки йўқлиги, уларнинг мавжуд ғояларга мувофиқлиги ёки мос келмаслиги, у ёки бу билим ёки маҳоратнинг йўқлиги, уларнинг салбий тавсифи ёки баҳоси, нутқ ҳаракатларининг мувофиқлиги ёки номувофиқлиги нуктаи назаридан интерпретация қилинади. Мулоқот иштирокчиларининг коммуникатив мақсадлари ва муносабатлари (рад этиш, келишмовчилик, тақиқлаш турларини ўз ичига олади). Шу билан бирга, рад этиш функциясининг номи, унинг тузилиши ва оламнинг объектлари ва ҳодисаларини, уларнинг хусусиятлари ва алоқаларини тавсифловчи жамоавий билим схемаларига йўналиши, оламнинг умумий тузилиши, тегишли тушунча ва категориянинг интерпретация қилинадиган табиатини ва уларнинг интерпретация схемалари сифатида ўзига хослиги аниқланади (5, 15).

Бу ўзига хослик инсон онгида мавжуд бўлган ва у ёрдамида оламнинг тузилишини ифодаловчи, номинация ва мулоқот жараёнида интерпретация қиладиган ва баҳолайдиган лисоний интерпретациянинг когнитив схемалари вазифасини бажаради. Бу тушунчаларнинг интерпретацион функцияси объектлар ва ҳодисаларнинг ўзаро муносабатларидаги иккиламчи концептуаллаштиришда намоён бўлади, масалан, объектларга ажратилган ва муносабатларнинг турли таснифи *худудлар кесимида*, жисмонан ёки руҳан яқин бўлган шахслар билан муносабат *қариндошлар*, *дўстлар*, объектлар учун контейнер сифатида ёки воқеалар *байрамлар*, *таътиллар*, объектлар ёки ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар тузилмалари сифатида *худуд масофаси* метафорик тарзда *китоблар олами*, *гуллар шахри*, *нон шахри*, метонимик тарзда *Тошкент билан Москва алоқаси*, *Махалла йиғини* (5, 15).

Образли қиёслашда пропозиционал схемалар фразеологияда қўлланилади, улар олам билан ўзаро таъсир қилишнинг умумий тажрибасини ва уни тушуниш ва баҳолашни тайёр ҳукмлар тарзида етказди: *Қизим элга берган ваъдасининг устидан чиқади*, *ҳамманинг*

тилига тушади-ю, мен севинмай, ким севинсин (Р.Файзий. Фароғат) жумласидаги *тилга тушмақ* фразеологик бирлиги иккиламчи интерпретация ҳосиласи саналади. Лисоний интерпретация схемаси сифатида метафорик ва метонимик моделлар ҳам умумий, жамоавий ва хусусий, индивидуал характерга эга бўлиши мумкин.

Индивидуал концептуал тизим доирасида олам ҳақидаги билимлар меъёрлар тизими, идеаллари, стереотиплари, баҳолари ва бошқалар ҳақидаги жамоавий ва индивидуал фикрларга мувофиқ интерпретация қилинади. Худди шу нарса субъект томонидан оламни билишда ўзига хосликни кўрсатади. Бу ўзига хосликнинг жамоавий ва индивидуал турлари мавжуд.

Н. Н. Болдырев фикрича лисоний интерпретациянинг объекти бевосита борлиқ ёки олам ҳақида вербаллашган билим ҳисобланади. Биринчи ҳолда, унинг мақсади объектлар, ҳодисалар ва уларнинг хусусиятларининг хилма-хиллигини қабул қилган жамият ёки шахс томонидан акс эттиришдир. Иккинчи ҳолда, маълум бир инсоннинг индивидуал муносабатига мувофиқ, уни аниқлаш, таснифлаш ёки баҳолаш учун аллақачон мавжуд бўлган билимларни индивидуал концептуал тизими доирасида интерпретация қилишни назарда тутати (5, 13).

Улар бир маданият чегарасида ёки маданиятлараро мулоқот жараёнида семиотик тизимлар ёрдамида амалга оширилади. Лисоний интерпретацияда онгнинг танлаш вазифасининг юзага чиқиши, тегишли тушунчалар лисоний белгиларида намоён бўлади, ҳар хил таом ёки кийим номлари, оламдаги моддий билимларнинг бир қисми, индивидуал концептуал тизимларнинг шаклланишига олиб келади.

Ҳар бир шахснинг концептуал тизими тузилиши ва мазмуни оламни ифодалаш усуллари билан фарқ қилади, концептуал-тематик категорияларнинг таркиби ва тузилиши ўзига хос тарзда структураланади. Концептуал-тематик соҳаларнинг тузилиши, мазмуни ва уларни интерпретация қилиш функцияси, табиийки, маълум бир кишининг ижтимоий-маданий тажрибасига, унинг туғилган жойи ва яшаш муҳити, ижтимоий доираси, маълумоти, касбий муҳити, ёши, жинс хусусиятлари, турмуш даражаси ва ижтимоий ҳолатига боғлиқ. Масалан, тиббиёт ходимининг концептуал тизими асосан тиббиёт соҳасининг меҳнати, касаллик турлари ва даволаш билан боғлиқ концептларни қамраб олади, масалан: *касалхона, тез тиббий ёрдам, вирус, даво, беморни тиббий кўриқдан ўтказиш, лаборатория, таъхис қўйиш, амбулатор даволаш, стационар даволаш* ва бошқалар.

Инсонни ўраб турган табиий ва ижтимоий муҳитнинг асосий хусусиятлари, унинг турмуш тарзи, ижтимоий-маданий тажрибасини ўз ичига олади. Олам ҳақидаги умумий жамоавий билимлар инсоннинг умумий билимлар фонида концептуал профилни ифодалайди, яъни бу ўринда оламнинг барча билимларини конфигурация қилиш ёки профиллаштиришнинг индивидуал усулидан фойдаланилади.

Объектларнинг таснифи ҳамда мавҳум концептларнинг шаклланиши тилнинг классификациялаш функцияси билан боғлиқ бўлса, оламни ментал билишнинг бир қисми, олам ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, унинг иккиламчи концептуаллаштирилиши ва иккиламчи категориялаштирилиши натижасидир. Тилдан ментал ҳаракатлар ва ҳолатлар, ҳис-туйғуларни ифодалаш учун фойдаланган ҳолда инсон ички дунёсининг шаклланишига олиб келади, бошқа

концептуал тизимлар мавжудлиги ва уларнинг мумкин бўлган фарқлари ҳақида хабардор бўлади.

Лисоний интерпретация тилнинг учта ўзига хос функциясида намоён бўлади: танлаш, интерпретация қилиш ва баҳолаш. Танлаш функцияси тегишли тушунчаларнинг тил белгиларида амалга оширилади. Бу олам ҳақидаги моддий билимларнинг бир қисми бўлиб, бу пировард натижада индивидуал концептуал тизимларнинг шаклланишига олиб келади. Иккинчи тузилиши ва мазмуни бўйича оламни идрок этиш усуллари билан фарқ қилади. Инсоннинг концептуал тизими табиий ва ижтимоий муҳитнинг асосий хусусиятларини, унинг турмуш тарзи ва турмуш даражасини ўз ичига олиши аниқ. Унинг шаклланиши кўп жиҳатдан яшаш вақти ва жойига, тарихий даврга, инсоннинг ижтимоий ҳолатига ва унинг бошқа инсонлар билан муносабатларига, оилавий алоқаларига, жинсига, ёшига, маълумот даражаси, касбий қизиқишлари ва шахсий имтиёзларига боғлиқ бўлади. Баҳолаш функциясида эса билимларни лисоний интерпретация қилишнинг ўзига хос услубини — баҳоловчи интерпретациясини шакллантиради, яъни баҳоловчи концептуаллаштириш ва категорияларга ажратади. Маълум бир маданият доирасида қабул қилинган муайян баҳолаш шкалалари асосида ўша халқ, миллат, жамоаларда қабул қилинган меъёрлар, идеаллар, стереотиплар, қадриятларнинг жамоавий ва индивидуал тизимларига мувофиқ жамоа, миллат ёки маданият тажрибасини схемалаштириш назарда тутилади. Фақатгина дунёдаги шахсларро вербал мулоқот йўналишининг лисоний тизими, интерперсонал муносабатларнинг жамоавий ва индивидуал белгиланган моделлари ҳисобланади.

Лексик категорияларнинг интерпретацион потенциалининг функционал жиҳати интерпретациянинг иккита асосий турида намоён бўлади: аниқлаш ва тавсифлаш. Аниқловчи интерпретация иккиламчи номинация жараёнининг моҳияти бўлиб, бунда лисоний бирлик маълум бир конфигурацияда янги билим қисмини тузатади, концептуал проекциянинг берилган лисоний бирлигида билимларни ўзлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, аниқловчи интерпретация — бу маълум бир билим форматида атрофдаги олам объектларини категорияларга ажратишдир. Натижада, аниқлаштиришнинг курали сифатидаги тил бирликларининг денотатив имкониятлари потенциали кенгайтирилади ҳамда объектларнинг янги гуруҳини англатади. Тавсифловчи интерпретация нафақат билимнинг бир қисмини, балки шахснинг бу билим ҳақидаги фикр ифодалашга қаратилган ва лексик категориялар бирликларининг нутқий фикрлаш фаолиятида баҳоловчи маъноларини етказиш қобилиятини назарда тутати. Бундан ташқари, интерпретация ахборот олувчининг ахборот мазмунига бўлган муносабатини моделлаштиришга қаратилган бўлиши мумкин. Масалан, интерпретация қилиш усули сифатида қараладиган эвфемизация, асл тушунчанинг салбий компонентларини текислаш (тўлиқ / қисман) ёки унинг ижобий фонини яратиш орқали дастлабки билимларни интерпретация қилишнинг маълум усули туфайли ахборот олувчининг фикрини бошқаришга имкон беради (11, 5).

Аниқловчи интерпретация инсонни маълум миллат вакилига тегишли тилни белгилашга хизмат қилишида намоён бўлади. Ушбу интерпретация йўналиши метонимия механизмига асосланган ва инсон идентификациясининг ажралмас қисми сифатида тилни тушунишини акс эттиради, бу “миллат вакилининг онтологияси” деб таърифланган

кузатиш форматининг интерпретация қилиш хусусиятининг амалга оширилишини кўрсатади ҳамда жамоа салоҳиятини оширади ва объектларнинг янги синфини белгилайди.

Хулоса. Шундай қилиб, лексик категориялар иккиламчи интерпретация қилиш потенциали асосини ташкил этишнинг жуда умумий тамойилига айланади, бу оламдаги хилма-хилликни акс эттирувчи, лексик бирликларни категорияларга бирлаштириш, турли хил объектлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларнинг мавжудлигини англатади. Мавзуй равишда турли хил объектларни ажратиб турадиган белгиларнинг ўхшашлиги, баъзи лексик категориялар бирликларини иккиламчи функцияларида мавзуй равишда бошқа нарсаларнинг хусусиятларини белгилаш учун ишлатишга асос беради. Интерпретацияни амалга оширишнинг категориал даражаси, ўз навбатида, тилнинг интерпретация қилувчи функциясини таъкидлаш учун керакли асос ва етарли далилдир, чунки тил, авваламбор, категориал характерга эгадир.

Интерпретация қилиш функциясининг ўзига хос хусусиятлари ва тузилишининг таҳлили шахснинг тузилиши ва инсон фаолияти турларига мос равишда тузилган, мавжуд бўлган жамоавий билим схемаларига асосланган ҳамда шахснинг концептуал тизимига қаратилган, яъни индивидуал субъектив шаклда намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бабина Л.В., Дементьева А.Г. Метонимические и метафтонимические модели вторичной интерпретации (на примере фитонимов английского и русского языков) // IV International Forum on Cognitive Modeling, 11–18 September 2016, Lloret de Mar, Spain: Proceedings. Ростов н/Д: Фонд науки и образования. — 2016. — С. 28–36.
2. Болдырев Н.Н. Антропоцентрическая сущность языка в его функциях, единицах и категориях // Вопросы когнитивной лингвистики. — 2015. — № 1. — С. 5–12.
3. Болдырев Н.Н. Интерпретация мира и знаний о мире в языке // Когнитивные исследования языка. Вып. XIX. — С. 20–28.
4. Болдырев Н.Н. Категориальная система языка // Когнитивные исследования языка 2012. Вып. X. — С. 17–101.
5. Болдырев Н.Н. Когнитивные схемы языковой интерпретации // Вопросы когнитивной лингвистики. — 2016. — №4. — С. 10–20.
6. Болдырев Н.Н. Роль интерпретирующей функции в формировании языковых категорий // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. Вып. I (93). — 2011. — С. 9–16.
7. Болдырев Н.Н. Концептуально-тематические области языковой картины мира и их интерпретирующая функция // Когнитивные исследования языка. — 2014. Вып. XVII. — С. 33–39.
8. Болдырев Н.Н. Антропоцентрическая сущность языка в его функциях, единицах, категориях // Вопросы когнитивной лингвистики. — 2015. — № 1. — С. 5–12.
9. Болдырев Н.Н. Типология концептов и языковая интерпретация // Новая Россия: традиции и инновации в языке и науке о языке: материалы докладов и сообщений Международной научной конференции, посвященной юбилею Заслуженного деятеля науки РФ, доктора филологических наук, профессора Л.Г. Бабенко (28–30 сентября 2016г., г. Екатеринбург). — Москва – Екатеринбург: Кабинетный ученый, 2016. — С. 16–25.
10. Болдырев Н.Н. Языковая интерпретация и структура сознания // Когнитивные исследования языка. — 2016. Вып. XXVII. — С. 25–35.

11. Болдырев Н.Н., Алексикова Ю.В. Когнитивный аспект эвфемизации (на материале английского языка) // Вопросы когнитивной лингвистики. — 2010. — № 2. — С. 5–11.
12. Борисов В.Л. Взаимосвязь отражения и деятельности в процессе познания // Природа сознания и закономерности его развития. Новосибирск, 1966. — 195 с.
13. Демьянков В.З. Основы теории интерпретации и ее приложения в вычислительной лингвистике. — М.: Изд-во Моск. ун-та, 1985. — 76 с.
14. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. — 1994. — № 4. — С. 17–33.
15. Демьянков В.З. Языковые следы трансфера знаний // Когнитивные исследования языка. 2015. Вып. XXIII. С. 17–29.
16. Дэвидсон Д. Общение и конвенциональность / Пер. с англ. Е. В. Зиньковского // Философия, логика, язык / Под ред. Д. П. Горского и В. В. Петрова. — М.: Прогресс, 1987. — С. 213 — 233.
17. Звездинцев В. Л. Язык и знание // Вопросы философии. — 1982. — № 1. — С. 71–80.
18. Кубрякова Е.С. В поисках сущности языка // Вопросы когнитивной лингвистики. — 2009. — № 1. — С. 5–12.
19. Кубрякова Е.С. Язык и знание (на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). — М.: Языки славянской культуры, 2004. — 560 с.
20. Леонтьев А.Н. Лекции по общей психологии. — Москва, Смысл, 2000. — 511 с.
21. Магировская О.В. Интерпретативная сущность когниции // Когнитивные исследования языка. — 2016. Вып. XXIV. — С. 450–460.
22. Павилёнис Р.И. Проблема смысла: современный логико-философский анализ языка. — М.: Мысль, 1983. — 286 с.
23. Чейф У. Память и вербализация прошлого опыта. Перевод О. В. Звездинцевой // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск 12. Прикладная лингвистика. — М.: Радуга, 1983. — 462 с.
24. Потенция А.А. Мысль и язык. Киев: СИНТО, 1993. — 192 с.; Ушаков Д. В. Когнитивная система и развитие // Когнитивные исследования: Проблема развития. Сборник научных трудов: Вып. 3. — М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 2009. — С. 5–14.
25. Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира / Б.А. Серебrenников, Е.С. Кубрякова, В.И. Постовалова и др. — М.: Наука, 1988. — 216 с.
26. Anna Wierzbicka. The Semantics of Grammar [[Studies in Language Companion Series](#), 18] Publishing status: Available © John Benjamins Publishing Company, 1988. — 617 p.
27. Dennett D.C. Consciousness Explained. Boston, 1991. — 511 p.
28. Fauconnier G. Mental Spaces: Aspects of Meaning Construction in Natural Language. Cambridge: Cambridge University Press, 2nd ed. Edition, 1994. — 240 p.

References

1. Babina L.V., Dement'eva A.G. *IV International Forum on Cognitive Modeling*, 11-18 September 2016, Lloret de Mar, Spain: Proceedings. Rostov n/D: Fond nauki i obrazovaniya, 2016, pp. 28–36.
2. Boldyrev N.N. *Voprosy kognitivnoy lingvistiki*, 2015, No. 1, pp. 5–12.
3. Boldyrev N.N. *Kognitivnye issledovaniya yazyka*, issue XIX, pp. 20–28.
4. Boldyrev N.N. *Kognitivnye issledovaniya yazyka* 2012, issue X. pp. 17–101.
5. Boldyrev N.N. *Voprosy kognitivnoy lingvistiki*, 2016, No 4, pp. 10–20.
6. Boldyrev N.N. *Vestnik Tambovskogo universiteta*, ser. Gumanitarnye nauki, issue I (93), 2011, pp. 9–16.
7. Boldyrev N.N. *Kognitivnye issledovaniya yazyka*, 2014, issue XVII, pp. 33–39.
8. Boldyrev N.N. *Voprosy kognitivnoy lingvistiki*, 2015, No 1, pp. 5–12.

9. Boldyrev N.N. *Novaya Rossiya: traditsii i innovatsii v yazyke i nauke o yazyke: materialy dokladov i soobshcheniy Mezhdunarodnoy nauchnoy konferentsii, posvyashchennoy yubileyu Zasluzhennogo deyatelya nauki RF, doktora filologicheskikh nauk, professora L.G. Babenko*, 28-30 September, 2016, Moskva-Ekaterinburg: Kabinetnyy uchenyy, 2016, pp. 16–25.
10. Boldyrev N.N. *Kognitivnye issledovaniya yazyka*, 2016, issue, XXVII, pp. 25–35.
11. Boldyrev N.N., Aleksikova Yu.V. *Voprosy kognitivnoy lingvistiki*, 2010, No. 2, pp. 5–11.
12. Borisov V.L. *Priroda soznaniya i zakonomernosti ego razvitiya*, Novosibirsk, 1966, 195 p.
13. Dem'yankov V.Z. *Osnovy teorii interpretatsii i ee prilozheniya v vychislitel'noy lingvistike* (Fundamentals of interpretation theory and its applications in computational linguistics), Moscow: Izd-vo Mosk. un-ta, 1985, 76 p.
14. Dem'yankov V.Z. *Voprosy yazykoznaviya*, 1994, No 4, pp. 17–33.
15. Davidson D. *Obshchenie i konvetsional'nost'* (Communication and conventionality), Moscow: Progress, 1987, pp. 213–233.
16. Zvegintsev V. L. *Voprosy filosofii*, 1982, No 1, pp. 71–80.
17. Kubryakova E.S. *Voprosy kognitivnoy lingvistiki*, 2009, No 1, pp. 5–12.
18. Kubryakova E.S. *Yazyk i znanie (na puti polucheniya znaniy o yazyke: chasti rechi s kognitivnoy tochki zreniya, rol' yazyka v poznanii mira)* (Language and knowledge (on the way to gaining knowledge about language: parts of speech from a cognitive point of view, the role of language in cognition of the world)), Moscow: Yazyki slavyanskoy kul'tury, 2004, 560 p.
19. Leont'ev A.N. *Leksii po obshchey psikhologii* (Lectures on general psychology), Moscow: Smysl, 2000, 511 p.
20. Magirovskaya O.V. *Kognitivnye issledovaniya yazyka*, 2016, issue XXIV, pp. 450–460.
21. Pavilenis R.I. *Problema smysla: sovremennyy logiko-filosofskiy analiz yazyka* (Проблема смысла: современный логико-философский анализ языка), Moscow: Mysl', 1983, 286 p.
22. Cheyf U. *Novoe v zarubezhnoy lingvistike*, issue 12, Moscow: Raduga, 1983, 462 p.
23. Potebnya A.A. *Kognitivnye issledovaniya: Problema razvitiya. Sbornik nauchnykh trudov*, issue 3, Moscow: Izd-vo Institut psikhologii RAN, 2009, pp. 5–14.
24. B.A. Serebrennikov, E.S. Kubryakova, V.I. Postovalova. *Rol' chelovecheskogo faktora v yazyke: Yazyk i kartina mira* (The role of the human factor in language: Language and the picture of the world), Moscow: Nauka, 1988, 216 p.
25. Anna Wierzbicka. *The Semantics of Grammar* (Studies in Language Companion Series, 18), Publishing status: Available John Benjamins Publishing Company, 1988, 617 p.
26. Dennett D.C. *Consciousness Explained*, Boston, 1991, 511 p.
27. Fauconnier G. *Mental Spaces: Aspects of Meaning Construction in Natural Language*, Cambridge: Cambridge University Press, 2nd edition, 1994, 240 p.